Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 93 (7. 182) ◎ 1990 йил 24 апрель, сешанба ◎ Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва партия комитетлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига тайёргарлик комиссияси тузилди.

Партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий органларининг бир қанча аъзолари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, шунингдек баъзи ўлка, область партия комитетларининг биринчи секретарлари комиссия таркибига кирдилар. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг катта гуруҳи, жамиятшунос олимлар комиссия аъзоларидирлар.

Комиссия таркибини унинг ишига КПСС XXVIII съезди делегатларини жалб этиш ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ИШЧИЛАРИ! КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИ СИЗНИНГ ОНГЛИЛИГИНГИЗ ВА УЮШҚОҚЛИГИНГИЗГА, ҚАЙТА ҚУРИШ ИШИГА САДОҚАТИНГИЗГА УМИД ҚИЛАДИ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Оталиқдаги корхонада

Келажакка умид

«ЧЕВАР» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига ҳозирги пайтда талаб-эҳтиёжлар ортмоқда. Бу ерда тайёрланадиган маҳсулотларнинг 60 хилини аёлларнинг кийим-кечаклари, салкам тўртдан бир қисм маҳсулотни эса болаларга мўлжалланган комплект ва кийим-бошлар ташкил этади. Корхонадаги ўзгаришларда шубҳасиз коммунист ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси бор. Яқин йилларгача бирлашма ёрлиғи туширилган маҳсулотларга эътирозлар кўп билдирилар-ди. Ишдаги сифат ва самара кўзга ташланмасди. Бу коммунистларни қаттиқ ташвишлантирди. Улар ишда ўзгариш ясаш зарурати туғилганини англаб етгандилар. Шунинг учун ҳам ўз йиғилишларида бу масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйишди. Ҳамжиҳатлик ўз самарасини берди. Сифат сари бурилиш ва янги маҳсулот талабчан, харидорларимизнинг эътиборини торта бошлади.

Қайта қуриш жараёни корхонамиз ҳаётида туб ўзгаришларга сабаб бўлди, — дея суҳбатни бошлади бирлашма партия ташкилоти секретари Зуҳра Туробова. — Хўжалик ҳисобида ишлашга ўтган йили ўтгандик. Бу сон эмас, сифатга эътиборни кучайтиришимиз зарурлигини кўрсатди. Ишчи-хизматчиларимизнинг орасида меҳнатига яраша ҳақ олишни йўлга қўйдик. Ҳозирги ютуқларимиз анча салмоқли. Давлат режаларининг ошириб бажарилиши фойда олишни кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Ундан биз ижтимоий соҳани яхшилашда фойдаланяпмиз. Шу тарзда ишчи-хизматчиларга ғамхўрлик тобора кучайтирилмоқда. Яқинда маиший хизмат комплекси ишга туширилди. Бирлашмамизнинг ёнгинасида жойлашган оталиғимиздаги 280 ўринли болалар боғчаси ишчиларимизнинг мушкулини енгил қилмоқда. Уларга бирмунча қулайликлар яратяпти. Албатта муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бирлашмамиздаги 30 фоиз эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш ҳалигача пайсалга солиб келинмоқда. Бундан ташқари баъзи ҳолларда хом ашё таъминотидаги номутаносиблик бизга панд бериб қўймоқда. Тошкент, Андижон ва Наманган-гандаги енгил саноат корхоналаридан хом ашё оламиз. Аммо келтирилган газламалар кўпинча сифатсиз бўлади. Бу корхона ишлаб чиқаришига ва маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бу нуқсонни жарима ундириш йўли билан ҳам чеклашнинг имкони бўлмаяпти.

Албатта, ютуқлар қанчалик кўп бўлса, камчиликлар ҳам шунчалик юзага чиқа бошлайди. Аммо ишчилар бу камчиликларга муросасиз бўлмоқдалар. Агар таъминотчилар панд беришмаса ишларнинг яна ҳам юришиб кетиши шубҳасиз.

1991 йилда бирлашма учун 190 ўринли яна бир болалар масканини қуриш мўлжалланмоқда. Уй-жой билан таъминлашни келгусида ишчиларга ер ажратиб бериш йўли билан ҳал этиш ва тикувчилар шаҳарчасини барпо этиш назарда тутилаяпти. Ҳозиргача қилинган ва келгусида бажарилиши зарур бўлган ишлар, ҳал қилинадиган муаммолар бевосита коммунистлар раҳбарлигида бажарилади.

— Ҳозирги пайтда партия шаънига ҳар хил фикрлар билдирилаётгани, таъналар ёғилаётганлиги одамни ташвишга солади, — дейди бирлашма партия ташкилоти котибаси Зуҳра Қодировна. — Бу уринишларнинг ҳаммаси ноўрин. Чунки партия деганда фақатгина давлат аппаратида ўз мансабларини кўзлаб иш тутган баъзи шахслар эмас, балки ҳалол меҳнат қилаётган оддий ишчи-коммунист ҳам тушунилади. Партияга қабул қилишда эскича усулга чек қўйилиши керак, яъни мақсади фақат ўзини моддий томондан таъминлашдан иборат бўлган кишиларни эмас, балки онгли равишда жамият равнақи йўлида меҳнат қиладиган, халқнинг ташвиши билан яшайдиган одамларни қабул қилиш зарур деб ўйлайман. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, ҳозирги пайтда партия сафини тарк этаётганларни кўриб, асло руҳимиз тушмасин. Чунки бизни оғир шароитда ташлаб кетаётганлар партиянинг порлоқ келажагига ишончлари бўлмаган иродасиз кишилардир. Орамизда уларга ўрин йўқ. Сафларимиз партия ва жамиятимиз равнақига ишончи ҳалол кишилар ҳисобига бойиб берсин.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

Тонгги газеталарда

◎ Кеча Кремлда СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирди. Депутатлар ҳаётий муҳим қонунларни муҳокама қилишда давом этдилар. Бугун тонгги рўзномаларда сессия иши ҳақида ҳисоботлар эълон қилинган.

◎ Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг раиси Ли Пэн 23 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

◎ «Партия матбуотининг ҳаётий вазифалари» — «Правда» рўзномасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

◎ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, расмий хабарлар эълон қилинган.

ШИРКАТДАГИ УСТАЛАР



Истеъмол буюмларига—кенг йўл



Суратли репортаж

◎ СУРАТЛАРДА: икки дугона Мавлуда Иноятова [чапдан] ҳамда Барно Абдураимова; юпқа парда тайёрлаш устаси Одил Икромов ва қолипловчи Сергей Трунов ўз қурилмаси олдида.

М. Нуриддинов суратлари.



Ширкат бўлимларида ҳамма ўз иши билан банд, дастгоҳлар бир зум тинмайди. Улар турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришади.

Силлиқ буюмлар ишлаб чиқариш бўлими сараижом-саришта. Хона бўйлаб юрар экансиз катта меҳнат жараёнини кўриб қувонасиз. Уста Саъдулла Қурбонов бизни ичкарига бошлади.

— Мана биз ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулотлар, — дейди Саъдулла қатор тахлаб қўйилган буюмларни кўрсатиб, — ҳозирги кунда бўлимимизда ўнга яқин халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Бу энг зарур буюмлар ижодкорлари билан танишиш мақсадида улар билан суҳбатлашдик:

— Жаннатхон Нуримбетова, — ўзини таништирди буюмларни моҳирлик билан ўраб қўяётган қиз. — Ишимиз кўринишдан осондек туюлса ҳам лекин ўзига яраша масъулиятли. Буюм харидорига етиб боргунча сифатли туришн керак...

Мазкур бўлимда асосан пластмассадан тайёрланган буюмлар ишлаб чиқарилади. 10 ой ичида бу ердан бир миллион дона юпқа халтача, 13 минг дона тоғора, 20 минг дона анда-ва, 15 минг дона човли, челак ва бидонлар ишлаб чиқарилади.

Турли халтачаларни тайёрлаётган икки дугона Мавлуда Иноятова ҳамда Барно Абдураимовалариинг қўли-қўлига тегмайди. Улар махсус қурилма ёрдамида бир минутнинг ўзида ўнлаб халтачаларни тайёрлаб тахлаб қўймоқдалар. Дугоналар ишининг унумн маҳсулотларнинг ўз вақтида етказиб берилишига боғлиқ деса ҳам бўлади. Тайёрлаш қурилмаси устаси Одил Икромов бу масъулиятни бир дақиқа ҳам унутмайди. Шунинг учун унинг бутун хаёли ақлли машинаси ҳаракатида. Айланма қурилмалардан иссиқлик ёрдамида чўзилиб чиқаётган юпқа парда узилиб кетса бормн иш яроқсиз бўлди, деяверинг.

Одил тугмани босган эди улкан қурилма тўхтади.

Дарҳақиқат Одил Икромов ўз касбининг устаси. У 1986 йилдан бери шу корхонада ишлаб келади. Ҳар куни беш ўрам сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Қўшни қурилмада ишлаётган Сергей Труновнинг чаққон қўлларн доимо ҳаракатда. Тугмача босилиши билан иссиқ қозонларда эриб турган пластмасса найчалардан ўтиб махсус қолипга қуйилади. Бу иш жараёнлари дақиқалар ичида бажарилади. Икки-уч дақиқа ўтгач яна бошқа тугмача босилади. Қарабсизки, оппоқ сув челаги кўз ўнгингизда тайёр турадн. Сергей ўз касбн сирларини пухта эгаллаб олган ишчилардан. У ўн етти йилдирки, шу корхонада меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида ширкатлар иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу давр ичида улар корхонага дастлабки иқтисодий фойда келтиришга эришдилар. Ширкат аъзоларининг мақсади халқ истеъмоли учун зарур бўлган нарсаларни ишлаб беришдир.

П. НИШОНОВ.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Кеча Фрунзе район партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

В. Аловутдинова Тошкент шаҳар партия комитети ихтиёрига чақириб олинганлиги муносабати билан у Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари қилиб район Советининг раиси бўлиб ишлаётган Ш. Х. Низомов сайланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков иштирок этди.

«ЯШИЛ ЕЛКАН» ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан Журналистлар уюшмаси ташкил этган «Яшил елкан» республика конкурсининг якуни чиқарилди.

«Меҳнат» нашриётининг коллективи китоблар, брошюралар, плакатлар туркуми учун биринчи мукофот ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлди. Иккинчи мукофотлар «Ўқитувчи» ва «Медицина» нашриётларига, учинчи мукофотлар эса «Ўзбекистон» ва «Фан» нашриётларига берилди.

Нашриётлар редакциялари коллективлари ўртасида «Ўқитувчи» нашриётининг география тарихи редакцияси ходимлари «Ўзбекистон қўриқхоналари» китоби учун ғолиб деб топилдилар. Иккинчи мукофотлар «Фан» нашриётининг фалсафа ва ҳуқуқ редакциясига «Шаҳарларнинг ҳаво муҳити» китоби учун ва «Меҳнат» нашриётининг «Ҳосил» редакциясига «Ҳашаротлар оламида» китоби учун берилди. «Меҳнат» нашриётининг «Прогресс» редакцияси коллективи «Кўчманчи асаларичилик асал тайёрловчилари» китоби учун ҳамда «Ўзбекистон» нашриётининг илмий-оммабоп редакцияси брошюралар туркуми учун учинчи мукофотлар билан тақдирланишди. «Медицина» нашриёти илмий адабиётлар редакцияси, «Ёш гвардия» нашриёти оммабоп адабиётлар редакцияси, «Меҳнат» нашриётининг буюртма китоблар ва «Прогресс» редакциялари рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлишди.

Тарғиботчилик ишида фаол қатнашган муҳаррирлар, рассомлар, полиграфчилар, сураткашлар, китоб савдоси ходимларининг катта гуруҳи ҳам «Яшил елкан» конкурси лауреатлари ва совриндорлари бўлишди.

Плакатлар чиқариш билан шуғулланувчи ижодий коллективлар конкурсида «Ўзбекистон» ва «Меҳнат» нашриётлари ғолиб бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг аъзолари Тошкент область Бўстонлиқ районидаги айрим колхозчилар бошига, тушган кулфатни эшитиб жуда ачиндилар. Жамият жабрдийдаларга дастлабки ёрдам сифатида ҳар бир жабрланган оилага бир йўла 200 сўм тўлаш ҳисобидан 40 минг сўм пул ажратди.

Бундан ташқари табиий офат юз берган зонага кўрпа-тўшак, чойшаб ва бошқа зарур буюмлар жўнатилди. Шошилинч ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг санитария дружиналари ва раҳм-шафқат хизматининг ходимлари сафарбар этилди.

ЖАРРОҲЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СССР Тиббий фанлар академияси Бутуниттифоқ жарроҳлик илмий марказининг Тошкент бўлимида 23 апрель куни жарроҳлик соҳасидаги ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-амалий конференцияси очилди.

СССР Тиббий фанлар академияси Бутуниттифоқ жарроҳлик илмий марказининг Тошкент бўлими ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён республиканинг энг йирик даволаш ва маслаҳат бериш маркази ҳисобланади. Бу ерда жарроҳликнинг барча юўналларидан фойдаланилмоқда.

Бўлим Ўзбекистоннинг барча областларидаги врачлар малакасини оширишга, ёш мутахассис кадрлар тайёрлашга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Парламент сенати раиси Шон Дохерти бошчилигидаги Ирландия парламенти делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди.

Меҳмонлар Самарқандга сафар қилдилар, қоракўлчилик илмий тадқиқот институтида бўлдилар. Улар Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот институтига, Оржоникидзе районидаги «Лимонарий» колхоз-комбинатига бордилар.

23 апрель куни делегация аъзолари Тошкентдан Москвага жўнаб кетишди.

[ЎзТАГ].

Фойдали чиқинди

◎ З-УЙСОЗЛИК комбинатига қарашли 3-йирик девор панеллар заводи жамоаси пойтахт қурилиш жабҳаларини зарур бетон деворлар билан таъминлаш билан бир қаторда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш йўлида яхши самарага эришмоқда. Жамоа шу йилнинг уч ойи ичида аҳолига 64 минг сўмлик кўп хизмат кўрсатди. Шунингдек бу ерда кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш бўлими ташкил этилиб илгари чиқитга чиқазилиб юбориладиган қолдиқ бетон, цементли қоришмалардан тўсқичлар, кўча ҳошиялари, йўлаклар учун плиталар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Д. АЗИМОВ.

Янги маҳсулот

◎ ТОШКЕНТ химия машинасозлиги заводининг 4-цехи жамоаси асосан халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаради. Бу ерда безакли ҳошияли стулчалар, турли пластмасса буюмлар, ҳар хил сумкалар тайёрлашади.

БУГУН 4 хил янги маҳсулот тайёрланди. Бу ошхона термалари, жиҳозлар, болалар ўйинчоғи ва болалар ҳамда катталар учун чўмилиш пойабзалидир. Жамоа 19 минг сўмлик ана шундай маҳсулотлар тайёрлаб савдо шохобчаларига юборди.

Д. МУРОДОВ.

Бежирим либослар

◎ БУГУН моделлар уйи меҳнаткашлари топшириққа қўшимча жумҳуриятимиздаги тикувчилик корхоналари учун ўн тўртта янги нусхадаги кийим-кечаклар намунасини етказиб берди.

Янги либослар бичими бежирим бўлиб, асосан баҳор мавсумига мўлжалланган. У вилоятларда яшовчи аҳолига манзур бўлади.

Д. АЪЛОЕВ.

Меҳр-оқибат учрашуви

◎ КУНИ кеча Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг табиёт-жуғрофия факультетининг агро-биология бўлимини 1979 йилда тамомлаган собиқ талабалар шаҳарнинг Фрунзе майдонида учрашишди. Учрашувда жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан Р. Абдуллаева, М. Жумабоев, Т. Тожибоева, З. Нуриддинова, Р. Ҳамроев ва бирга таҳсил кўришганларнинг 25 вакили иштирок этишди. Халқимизда қадрдонлар бир-бирларини йўқлаб туришдек оқибатлилик одати бор. Дўстлар меҳр-оқибат туфайли пойтахтга тўпланишди.

Т. МАДАМИНОВ.

Ибратли ташаббус

◎ БЕКТЕМИР районн **марказида янги жонли бурчаклар савдо шохобчаси иш бошлади.** Бу ерда турли сайроқи қушлар, аквариум учун балиқчалар харид қилиш мумкин.

Шуниси қувончлики, бу савдо шохобчасининг ташаббускорлари район «афгон»ларидир. Улар маблағларни ўзлари бу ердаги ёрдамга муҳтож дўстлари, ёлғиз қарияларга ажратишади.

Д. ОБЛАЕВ.

Кичкинтойлар учун

◎ ЯҚИНДА пойтахтнинг «Лабзак» даҳасида шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг ташаббуси ва ёрдами туфайли болалар боғи ташкил этилди.

Эндиликда кичкинтойлар учун ташкил этилган боғда спорт ва турли ўйинлар ўтказиш майдончалари ишлаб турибди. Шу атрофда яшовчи маҳалла болалари бу хайрли ишдан хурсанд бўлишди.

Д. АБДУЛЛАЕВ.

ХАЛҚ ОРАСИДА 24 СОАТ

● АҚШ расмий вакиллари бу масала ҳақида ошкора гапиришмасалар ҳам, — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, — улар Литванинг ҳозирги пайтдаги ҳатти-ҳаракатларини аҳмоқона деб ҳисоблайдилар. Чиндан ҳам бу мақсадга эришишнинг бирон-бир тактик режасига эга бўлмай туриб, мустақиллик эълон қилиш мумкинми? Буш маъмурияти ботинан Горбачев томонида бўлса ҳам Литва талабларига зоҳиран тарафдорлик билдирмаётир. Газетанинг таъкидлашича, Горбачев ташаббуси билан ўтказилаётган ислоҳотлар, қуролярғларни қисқартиришга таалуқли музокаралар Америка ва Совет Иттифоқи миллионмиллион халқларининг ҳаётини яхшилайди.

«Ньюсдей» газетаси ўз навбатида шундай деб ёзди: агар Литванинг асл мақсади ажраш бўлса, улар бу ишни Горбачев томонидан ўрнатилган қондалар асосида амалга оширсалар яхшироқ бўлар эди.

● Англияда чиқадиган «Индепендент он санди» газетаси Литвадаги ҳозирги вазиятни шарҳлаб, Литва раҳбариятининг қалтис ҳатти-ҳаракатлари муваффақиятсизликка учрайди, деб ёзди. Бу хатти-ҳаракатлар нқтисодий ва ҳарбий соҳаларда нохуш натижаларга олиб келиши мумкин.

● ҚУВАЙТ фуқароларидан тўрт киши суд олдида жавоб берадилар. Улар ҳукуматга қарши фитна уюштиришда ҳамда қонунсиз равишда портловчи моддалар сақлашда айбланмоқдалар. Бу ҳақда Қувайт ахборот агентлиги хабар берди. Тақиқланган ташкилот раҳбарлари бўлган мазкур тўрт киши юқоридагидан ташқари Қувайт авиакомпанияси самолётларига ҳужум уюштиришда ва ҳукумат одамларини ўлдиришда айбланадилар.

● ЧАД ПОЙТАХТИ Нжаменада эълон қилинишича, ҳукумат қуролли кучлари Судан томонидан бостириб кирган ҳукуматга қарши гуруҳларнинг ҳужумини қайтарганлар. Икки орада бўлиб ўтган тўқнашувларда 103 нафар исёнчи ўлдирилган. Шуни айтиш керакки, бундай ҳужум сўнгги ой ичида учинчи бор такрорланмоқда. Чад томони ўз қўшинларидаги йўқотишларни айтгани йўқ. Лекин Судан худуди яқинидаги жангларда жами бўлиб 1350 нафар исёнчининг ҳалок бўлганлиги қайд этилди.

● БЕЛЬГИЯДА полиция юқори мартабали ходимларининг жиноятчи доиралар билан алоқаларига тегишли жанжал тобора авж олмоқда. Брюссель прокуратурасининг кўрсатмасига асосан пойтахт криминал полициясининг бошлиғи комиссар Франс Рейнерс ҳибсга олинди.

● ПОЛЬШАНИНГ Гданьск шаҳрида бўлиб ўтган «Солидарность» касаба уюшмаси умумпольша съездида Л. Валенса қайтадан унинг раҳбари этиб тайинланди. Унинг учун делегатларнинг кўпчилик овози берилди.

● НИГЕРИЯ радиоси мамлакатда давлат тўнтариши амалга оширилганлигини эълон қилди. Президент Ибрагим Бабангида ўз лавозимидан олиб ташланди. Тўнтариш натижасида генерал Бабангиданинг якқаҳокимлиги бошқарувига хотима берилди, деди ўз баёнотида радио орқали сўзлаган майор Гиги Огаза Ока. У ағдариб ташланган маъмурият «яккаҳокимликда, ич-ичидан бузилишда, ватанпарвар эмасликда ҳамда қора дори мафияси билан алоқада» айбланди.

● ШИА мазҳабига мансуб «Амал» гуруҳи билан эронпараст «Хизбуоллоҳ» ташкилоти ҳарбийлари ўртасида қайтадан қуролли тўқнашув юз берди. Унинг натижасида олти киши ҳалок бўлди, ўн киши жароҳат олди.

ХАЛҚ ОРАСИДА 24 СОАТ

Район партия конференцияларида

Муаммоларни биргаликда ҳал этайлик

Чилонзор район XIV район партия конференцияси делегатлари район партия комитетининг ҳисоботи билан олдиндан танишиб чиқишган эди. Шунинг учун биринчи секретарнинг батафсил докладини тинглаб ўтириш учун вақт керак бўлмади, конференция иш тартиби билан боғлиқ масалаларга саноқли дақиқалар сарфланганидан сўнг бу ерда дарҳол амалий ишларга ўтилди. Райком аъзолари илгариги шу хилдаги тадбирларни ўтказиш қолипларидан воз кечиб, президиумни пастга, залдаги «думалоқ стол»га кўчирганлиги, сўзга чиқувчиларга анъанавий минбарга кўтарилиш учун ҳожат қолмаганлиги ҳам бунга ёрдам берди, қулай ўрнатилган микрофонлар деярлик ўтирган ўриндан туриб гапириш имконини берарди.

Биз партиявий ишларнинг янгича кўринишлари ва усулларига кўникиб қолдик, шунинг учун бу икир-чикирларга эътиборни жалб этиб ўтиришга ҳожат ҳам керакмасдир, шундай бўлса ҳам бундай демократик қадам делегатлар кайфиятига ижобий таъсир этганлигини айтиб ўтмаслигимизнинг иложи йўқ. Улар ўзларини эркинроқ, дадилроқ ҳис этишди, шунинг учун ҳам коммунистларнинг суҳбати амалий руҳда ўтди.

Бир кунаввал...

Коммунистлар анжумани арафасидаги делегатларнинг район бўйлаб сафарини конференция муқаддимаси деб аташ мумкин. Бу уларга нималар қилинганини, афсуски, районда ҳисобот даврида нималар амалга оширилмай қолганлигини ўз кўзлари билан кўриш имконини берди. Делегатлар турли корхоналарда, ижтимоий-маданий-маиший объектларда, табобат ва мактабгача болалар муассасаларида, хотин-қизларнинг спорт-соғломлаштириш марказида бўлдилар. Мазкур марказ яқин орада ишга тушади. Улар яқиндагина қурилиб фойдаланишга топширилган фирмали магазинларда бўлишди. Айтмоқчи, сафар таассуротлари коммунистларнинг конференциядаги нутқларида ўз ифодасини топди. Улар ижобий ишларни маъқуллаб, камчиликларни кескин танқид қилдилар. Буни тушунса бўлади. Район партия комитети деярлик барча соҳаларда партия ишини янгилашга томон йўл тутиб, қадам босилмаган сўқмоқлардан борарди. Албатта, дастлабки қадамлардан келиб чиқиб, райком аъзолари бунинг уддасидан қандай чиққанликлари ҳақида фикр юритишга ҳали эрта. Шундай бўлса ҳам, коммунистларнинг ҳисобот давридаги ишлари уларнинг тўғри йўл танлаганликларидан далолат беради.

Мисол учун ташкилий-партиявий ишларни олайлик. Бу борада район партия ташкилоти фаолиятининг шакл ва усулларини янгилаш орқали асосий мақсадларга: бошланғич партия ташкилотларининг аҳамиятини ва мустақиллигини оширишга, сайлаб қўйиладиган органларнинг раҳбарлик мавқеини қарор топтиришга, партия сафларининг ғоявий бирлиги ва ташкилий жипслигини мустаҳкамлашга эришилмоқда.

Долзарб муаммолар билан боғлиқ тармоқ комплекс программаларини: аҳолини уй-жой билан, зарур саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаш, медицина хизматини яхшилаш, бошқа муаммоларни ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга ошириш райком фаолиятининг диққат марказида бўлди. Район Советлари бутун ҳокимиятни ўз зиммаларига олишга ҳам юридик, ҳам ташкилий жиҳатдан тайёр эмаслигини, партия комитетларининг район ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир муҳим масалаларни ҳал этишдан четга чиқиб қолганлиги жойлардаги аҳволнинг мушкуллашишига олиб келишини, партияга нисбатан ишонч йўқолиб бораётганлигини фақат амалий ишлар билангина, биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ишлар билангина енгиб ўтиш мумкинлигини тўғри тушунган район партия комитети мазкур йўналишдаги ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Бундан ташқари район партия комитетининг ижтимоий дастурни амалга оширишга сиёсий таъсирининг янгича ёндашуви ва шакллари борасида изланишлар олиб борилди.

Район бўйлаб сафар режалаштирилган ва тармоқ дастурида қайд этилган аксарият ишлар бажарилганлигини, шу билан бирга ҳали ўз ечимини топмаган бандлар ҳам қолганлигини яққол кўрсатди.

Танқид билан бирга таклиф ҳам бўлсин

Район партия комитетининг биринчи секретари Олимжон Жўраевич Исмоилов конференция ўз ишини бошлашидан олдин шу таклифни ўртага ташлади. Эътироф этиш керак, сўзга чиқувчилар ҳақиқатан ҳам талайгина яхши, амалий таклифларни баён этишди. Шуни айтиш керак, юзаки, мавҳум нутқлар ҳам бўлди. «У ёмон, бу ёмон» тарзидаги фақат танқиддан иборат нутқлар ҳам бўлди. Шунинг учун «Алгоритм» заводи бош директори А. С. Маҳмудовнинг «ҳамма нарсани — ижобий нарсаларни ҳам, яхши нарсаларни ҳам қориштириб юбормаслик, танқид деб ҳамма нарсани танқид қилавермай, олға томон ҳаракат қилишимизга нималар тўсқинлик қилаётганини аниқлаш, салбий оқибатларнинг олдини олиш учун қандай қадамлар қўйиш зарурлигини биргаликда ҳал этиш» ҳақидаги фикри жуда адолатли бўлди.

Назаримда, «Ташметрострой» трести лаҳмчиси А. Р. Башкирцев нималар тўсқинлик қилаётгани ҳақида ниҳоятда кескин тарзда бўлса ҳам, яхши гапирди:

— Гўё районда қайта қуриш бўлаётгандек қайта қуриш ҳақида гапирамиз, амалда эса сафсатабозликка берилиб кетаяпмиз... Ўз етакчиларимизни, район партия комитетининг секретарларини билмаймиз. Улар ҳам уч-тўрт ойгина ишлашади, «қуйи» бўғинлардан мутлақо узилиб қолишган. Район партия ташкилотининг етакчилари биз билан бўлишларини, бизни ёқлашини истайман. Афсуски, биринчи секретарни мен яқиндагина йиғилишда кўрдим, иккинчи секретарь билан ҳам яқинда танишдим. Аммо уларнинг қандай ишлаётганини, қандай вазифаларни энг муҳим деб ҳисоблашларини, уларни қандай ҳал этмоқчи эканликларини, афсуски, билмайман.

Район бўйлаб сафар ҳам Башкирцевда қарама-қарши таассуротлар қолдирди. Хотин-қизларни соғломлаштириш комплексининг мавжудлиги бир томондан яхши, иккинчи томондан бундай комплекслар ҳар бир ташкилотда, ҳар бир корхонада бўлиши, район ва шаҳарнинг барча хотин-қизлари даволаш курсини олиш имконига эга бўлиши керак.

Ҳозир, тартибга солиб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиш аниқроқ бўлиб бораётган бир пайтда райком ва район партия ташкилоти қандай ишлаши керак, деган масала конференцияда марказий масалалардан бири бўлди. Бу борадаги фикрлар, мулоҳазалар турлича, айтишим мумкинки, қарама-қарши бўлди.

«Иккиюзламачилик қилиш керак эмас»

Бош йўналиш, коммунистларнинг нуқтаи назари ишлаб чиқилган экан, фикрларнинг ҳар қандай эркинлигига қарамай, уларнинг ҳар бири ана шу йўналишни оғишмай амалга ошириши, иккиюзламачилик қилмаслиги керак. Ушанда партия аъзолари кўпгина масалаларни, шу жумладан тартибга солиб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин, деди халқ хўжалиги институти партия ташкилотининг секретари Г. А. Рафиқов. Шаҳар партия конференциясининг делегати Г. Рафиқов район конференциясида тилга олинган кўпгина масалаларни Тошкент коммунистларининг анжуманида кўтаришга умид қилмоқда. Унинг назарида бошланғич партия ташкилотлари билан юқори органлар ўртасида тўғри алоқаларни ўрнатиш, коммунистлар ўртасида ғоявий-сиёсий ва ғоявий-назарий ишларни кучайтириш ниҳоятда муҳимдир.

Рўзноманинг биргина мақоласида конференцияда кўтарилган барча масалаларни, муаммоларни ёритиш мушкул. Аммо кўпгина нутқларга қатъий нуқтаи назар, ишонч, ошкоралик, райондаги ва умуман жамиятимиздаги ишларнинг аҳволидан ташвишланиш туйғуси хос бўлди, деб ўйлайман. Амалий ва жиддий суҳбат бўлиб ўтганлигида кўп жиҳатдан район партия комитетининг, унинг ишида ўз аксини топган янгиликларнинг хизмати катта. Айни вақтда кўпгина делегатлар ўтмиш қолипларидан қочиб қутула олмаганликларини, нутқлар узундан-узоқ бўлиб, мақтов сўзлари «имкониятдан фойдаланиб, ...ёрдам беришингизни сўрайман» деган иборалар билан алмашиб турганлигини ҳам айтмасдан ўтолмайман. Амалий таклифлар янада кўпроқ бўлгани яхши эди. Чунки бундан буён қандай яшашимиз, қандай меҳнат қилишимиз конференция қандай йўлларни белгилашига, унинг фаолиятида нималар етакчи роль ўйнашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Яна бир нарса ҳақида айтиб ўтишни истардим. Район партия анжумани делегатлари ўзларига қулай тилда гапириш имкониятига эга бўлдилар: залда нутқларнинг йўл-йўлакай таржимаси таъминланди. Таржима сифати ҳали юксак савияда бўлмаса ҳам, биз унга ўрганишимиз керак, ҳар ҳолда бу керак. Агар таъбир жоиз бўлса, бу залда ҳозир бўлганларнинг ҳар бирига нисбатан ҳурмат ҳамдир. Бу бир-бирини тинглаш, тушуниш имконияти ҳамдир. «Ўзбекфильм» киностудияси директори А. М. Хўжаев жуда тўғри қайд этиб ўтганидек, кўпинча бизга айрим масалаларни ҳал этиш учун ана шундай ҳамжиҳатлик етишмайди.

Чилонзор район XIV партия конференцияси делегатлари, шак-шубҳасиз, бир-бирларини тинглаб, тўғри тушунишди. Аминманки, бу уларнинг бундан кейинги ишларида ёрдам беради.

О. Ж. Исмоилов район партия комитетининг биринчи секретари, М. З. Рябчун — иккинчи секретари, А. Я. Аҳмедов назорат-тафтиш ҳайъатининг раиси этиб сайланганлигини қўшимча қилиш қолади холос.

Конференция ишида шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Асепков иштирок этди.

Г. ҲАСАНОВА.



⊙ **ҚОЛИПЛОВЧИЛАР САРДОРИ.** Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиали пешқадами Тоир Дакибоев. Т. Каримов сурати.

Дарахт бир жойда кўкаради

КАСБГА САДОҚАТ

ШАҲРИМИЗДАГИ электр транспортлари ҳаракат мунтазамлигини марказий диспетчерлик бошқаруви доимо назорат қилиб туради. Унинг хизматчилари тунни-тонгга улаб навбатчилик қилишади. Трамвай-троллейбусларни белгиланган соатлар бўйича қатнашини таъминлашади. Агар йўлда бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй берса ҳайдовчилар дарҳол «марказ» билан боғланишади.

Тун. Телефон қўнғироғи жиринглайди.

— Алло... Марказий диспетчерлик навбатчиси Ғуломов эшитади... Қайси чорраҳада?.. Тушундим. Ҳозир созловчилар бригадаси етиб боради.

Навбатчи Абдужаббор Ғуломов воқеа содир бўлган жойга дарҳол созловчиларни йўллайди. Улар зудлик билан узилган тармоқ симини бир-бирига улайдилар. 15 минутда носозлик бартараф этилади. Абдужабборга троллейбус ҳаракати қайта йўлга қўйилгани ҳақида хабар қилишади.

А. Ғуломов 1956 йилдан бери 1-трамвай депосида ишлайди. Аввал у шогирдлик қилди. 1959 йилдан бошлаб трамвайларни тўлиқ ремонтдан чиқаришни қунт билан ўрганди. Ўша йили ҳайдовчилик гувоҳномасини олди. 10 йил мобайнида бу серғайрат йигит ҳайдовчилик қилиб шаҳар аҳолисига юксак маданий хизмат кўрсатди. 1969 йилда А. Ғуломовни ҳаракат хизмати бўлимида ишлашга таклиф этишди. 36 кишилик жамоа Абдужабборни ўзларига катта уста этиб тайинладилар. У ўз бурчини виждонан ўтади. Йўл ҳаракатида қўйилган нуқсонларга аниқ тариф бериши билан раҳбарлар диққатини ўзига тортди.

Кўп ўтмай А. Ғуломовни ҳаракат хавфсизлиги бўлимига катта назоратчи этиб тайинладилар. 1987-1988 йилдан бошлаб эса марказий диспетчерлик бошқарувига ишга ўтди.

23 йилдан бери КПСС аъзоси бўлган А. Ғуломов 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида шаҳар электр транспорти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

А. Ғуломовнинг шогирдлари К. Рахименко, В. Скутар, Р. Галимов, Р. Журавлевалар устозлари номини доимо энг яхши сўзлар билан тилга оладилар.

С. АЛИЕВ.

Куюнчаклик билан ёзилган

ВАЪДАНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Бундан уч йил муқаддам Тошкент мелиорация техникуми ўқув-ишлаб чиқариш биноси қурилаётганининг гувоҳи бўлган эдик. Яқинда йўлимиз тушиб, яна шу ерга келганимизда янги бинони кўрармиз деб ўйлагандик. Қаёқда дейсиз, бу жойда қурилиш ишлари ҳанузгача тугатилмагани, қурувчилардан эса дарак йўқлигини кўриб ҳайрон бўлдик. Техникумнинг ўқув-ишлаб чиқариш усталаридан бу аҳволнинг боиси нимадалигини суриштирдик. Уларнинг айтишларича, мазкур бино 760 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, қурилиш ишларини 1976 йилда 4-трестга қарашли 4-қурилиш бошқармаси қурувчилари бошлаган эдилар. Сўнгги саккиз йил мобайнида 6-қурилиш бошқармаси ишни давом эттирди. Буюртмачи мазкур бино қурилишига пул ўтказди. Лекин нима учундир бугун қурувчилар дом-дараксиз кетишган. Техникум раҳбарлари бошқарма бошлиғи В. Титов ва 4-трест бош инженери Г. Трефусовларнинг ҳузурига югураверib чарчашди. Қурувчиларнинг ваъдаси кўп, лекин амалий иш қачон бошланишини ҳеч ким билмайди.

Ленин проспектида қурилаётган чойхона қурилиши ҳам чўзилаётган бинолардан. Бу ерга биринчи бор келганимда прорабни топиб бўлмади, иккинчи сафар эса на прораб ва на қурувчилар кўринишди. Бутун бошли қурилишда Қўқон устахонасидан келган уч йигит ўймакорлик билан машғул эдилар. «Бу ерга 10 киши бўлиб ўтган йилнинг июнь ойида ишга келганмиз. Етакчимиз Абдуғани Абдуллаев», — дейди ўзини Равшан Маматқулов деб таништирган йигит. Унинг айтишича чойхонада эшик, деразаларни қўйиш ишлари қолибди, холос. Лекин қизиқ, ҳар хил майда-чуйда ишларни деб ишни охирига етказиш чўзилаверармикин? Бу ерда ишлаши лозим бўлганлар иш вақтида қаерларда бўлишар экан?

Темирйўлчилар маданият Саройи рўпарасида яна бир «узоқ муддатга мўлжалланган» қурилиш пайдо бўлибди. Бу ердаги қаҳвахона қурилишини Тошкент шаҳар саноат қурилиши ташкилотига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёд этяпти. Мазкур бошқарма ижара пудрати асосида ишлаяпти. Бригада бошлиғи Ҳожиакбар Нурохунов ва прораб Улуғбек Шириновлар қурилиш ишларига етакчилик қиляптилар. Мазкур қаҳвахонанинг яратилиши, қурилиш муаммолари жумҳурият газеталарининг бирида танқид қилинган эди. Танқид ўз таъсирини кўрсатиб, бу ерга кран ажратилди ва ишлар тез суръатлар билан авж олди. Қурувчилар тез орада мазкур бинони пардозловчилар ихтиёрига топширишар эмиш. Биз эндиликдаги иш пардозловчиларга боғлиқлиги, қувонишга ҳали вақт эрталигини ҳис қилиб турибмиз.

Боткин кўчасидаги маданият кошонаси қурилиши 1986 йилда бошланган. Лекин бу ердаги ишлар ҳам кишини қониқтирмайди. Қурувчиларнинг айтишича Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бу кошонанинг буюртмачиси экан. Мазкур қурилишда ҳеч қандай ташвишли ҳол содир бўлмаётганини, режа бўйича у 1990 йилнинг тўртинчи уч ойлигида ишга тушиши кераклигини айтишди. Лекин бугунги иш суръатлари билан шу режа амалга ошармикин? Начора, ҳозирча завод раҳбарларининг сўзларига ишонмай иложимиз йўқ. Улар билан йилнинг якунини кутайликчи, нима бўларкин?

О. МАХМАЮСУПОВ.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«ЯШИЛ БОЙЛИГИМИЗ ҚАНИ?»

⊙ **Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети ходимларининг редакцияга йўллаган ва «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 5 февраль сонида босилиб чиққан мактубига ана шундай сарлавҳа қўйилган эди. Унда илгарилари шаҳримиз анҳор ва каналларининг сувини бемалол ичиш мумкинлиги, аммо бугунга келиб уни ичиш у ёқда турсин, ҳатто чўмилиш ҳам мумкин эмаслиги фактлар мисолида очиб ташланган эди.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармасидан келган жавоб хатида шундай дейилади:

«— Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 5 февраль сонида чоп этилган «Яшил бойлигимиз қани?» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси шуни маълум қиладики, яшил майдон деганда биргина истироҳат боғлари эмас, балки хиёбонлар, майдонлар, кўчалар, даҳалар ва мавзеларда мавжуд бўлган яшил бойликларни ҳам ҳисобга киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда уй-жой қурилиши жадаллаштирилди ва шу муносабат билан кўпгина дов-дарахтлар кесиб ташланмоқда. Бу мажбурий тадбир.

Мақолада кўрсатилган кўчалардаги дарахтларнинг шохлари кесилишига келганда шуни айтмоқчимизки, ўз вақтида кўкаламзорлаштириш даврида дарахтлар амалдаги нормативларга зид равишда ўтқазилган ёки ёритиш тармоқлари симёғочлари ўсиб турган дарахтлар таги кавланиб ўтқазилган эди. Ҳозирги вақтда ободонлаштириш Бош бошқармаси ва унга қарашли идоралар шаҳримизнинг яшил майдонларини яхшилаш ва бойитиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш устида иш олиб бормоқда».

Хат босилмаса ҳам

СОВУҚҚОНЛИГИ УЧУН

Шаҳарда айрим автобус маршрутларида ҳаракат қатновининг мунтазам эмаслиги, автобуслар бекатларда гоҳида тўхтамасдан ўтиб кетиши ҳақида редакцияга шикоят хатлари ҳамон келиб турибди. Ана шулардан иккитаси нима билан тугагани ҳақида Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. С. Шаропов қуйидагиларни маълум қилади:

«— 159-автобус маршрути қониқарсиз хизмат қилаётгани тўғрисида Чуқурсой кўчаси, Гулзор ўтар кўчаси, 6-уйда истиқомат қилувчи Ж. Жалиловнинг ёзган шикоят хати Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси, 3-автокорхона раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам шу кўрсатиб ўтилган камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Ўз вақтида бу камчиликларнинг олдини олмаганлиги учун «Келес» автостанциясида ишловчи диспетчер Т. Солиохуновга ҳайфсан берилди.

Бирлашма ва 3-автокорхона ходимлари оқшомхон билан учрашишганда 159-маршрутда ишловчи 39—88 ТНМ автобус ҳайдовчисига 37-билим юрти бекатида тўхтамаганлиги учун маъмурий жазо қўлламаслигимизни сўрашган эди. Лекин ҳайдовчилар билан яна бир бор тушунтириш ишлари ўтказилиб, ҳар бир ҳайдовчи маршрутда қатнов жадвалига қатъий риоя қилиши зарурлиги уқтирилди ва улар охирги марта огоҳлантирилдилар.

Биз бошқармада 159-маршрут қатнови жадвалини қайта кўриб чиқдик. Бу маршрутдаги биринчи автобус эрталаб Шумилов шаҳарчасидан соат 6.30 да қўзғалиб, ҳар 13—14 минут оралиғида қатнайди. Кечки маҳал эса охирги автобус 22.10 да «Келес» автостанциясидан жўнайди.

159-автобус маршрут ишини назорат қилиш шахсан 3-автокорхона директорининг ўринбосари Б. М. Тешабоевга юкланди».

«— 91 ва 8-автобус маршрутлари хизмати юзасидан Юнусобод даҳасининг 15-мавзеси, 62-уй, 10-квартирасида истиқомат қилувчи оқшомхон М. Қаюмовнинг ёзган шикоят хатини ҳам бирлашмамизнинг 8-автобус парки раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқдик. Бу хат 91 ва 8-автобус маршрутлари ҳайдовчилари ўртасида муҳокама этилди. Муҳокамада 91-маршрутдаги 60—90 ТНП автобус ҳайдовчиси С. Асқаров йўловчиларга кўпол муомалада бўлганлиги учун унга кўпчилик ўртасида танбеҳ берилиб, автокорхона буйруғи билан ҳайфсан эълон қилинди.

Бундан буён ишни яхшилаш мақсадида 91-автобус маршрутида ҳаракат қатновини назорат қилиш 8-автокорхона директори Т. Тошбоевга ва 8-автобус маршрутида ҳаракат қатновини назорат қилиш эса бош инженер М. Ҳусановга топширилди».

Хориждан хабарлар

⊙ ЖАЗОИР. Жазоир ҳукумати мамлакатда зўравонлик кучайганлиги муносабати билан баёнот берди. АПС агентлиги тарқатган мазкур ҳужжатда ҳукумат руҳоний экстремистлар фаолиятини ҳам, бир қанча партиялар ҳамда жамоат ташкилотларининг ақоидчиликка қарши ўзини ўзи мудофаа отрядларини тузишга доир чақириқларини қоралади. Бу ташаббус конституцияга қарши ва ғайриқонуний ташаббус деб аталди.

Ҳукумат мамлакат барча фуқароларини, сиёсий ташкилотлар, касаба союз ва бошқа ижтимоий ташкилотларни белгиланган сиёсий ислоҳот ҳамда миллий иқтисодиётни соғломлаштириш режаларини барбод қилмасликка чақирди. Министрлар кабинети ўзига қонун томонидан берилган барча воситалардан жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг демократик эркинликлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фойдаланишга азму қарор берганлигини айтди.

⊙ ТРИПОЛИ. Ўрта денгиз мамлакатлари социалист ва тараққийпарвар партиялар ташкилотларининг доимий секретариати Ўрта денгиздан хорижий флотларни олиб чиқиб кетишни ва региондаги чет эл ҳарбий базаларини тугатишни талаб қилди. ЖАНА агентлигининг хабар қилишича, доимий секретариатнинг АҚШ Ливия жамоҳириясига ҳужум қилганлигининг тўрт йиллиги муносабати билан босиб чиқарилган баёнотида хорижий ҳарбийларнинг бу ерда туриши Ўрта денгиздаги аҳволни беқарорлаштиради, мустақил давлатларнинг ички ишларига империализм аралашиши учун шароит яратади, деб таъкидланди.

⊙ ҚОҲИРА. Мисрнинг Эл-Файюм вилоятидаги Синнурис шаҳарчасида комендантлик соати эълон қилинди. Қоҳирада чиқадиган «Ал-Вафд» газетасининг хабар қилишича, Синнурис бўйлаб ур-йиқитлар тўлқини бошланганидан кейин маъмурлар шундай чора кўрганлар. Боққол чол кичик ёшдаги бир қизчани зўрлагани ва уни ўлдирганлиги тўғрисидаги миш-мишлар натижасида жунбушга келган одамлар тўдаси 26 та дўкон ва дорихонани бузиб ташлаган, 10 кишини жароҳатлаган.

Эл-Файюм, шунингдек, яқин-атрофдаги бошқа вилоятларнинг хавфсизлик кучлари тартиб ўрнатдилар. Камида 80 киши ушланди, деб ёзади газета. Бутун Синнурис қамал қилиб олинган.

⊙ ЭР-РИЁД. Саудия Арабистонининг қироли Фаҳд мусулмонларнинг муқаддас ойи — Рамазон муносабати билан Авфи умумий эълон қилди. Жами 7681 киши озодликка чиқди, деб хабар қилади МЕНА агентлиги Эр-Риёд шаҳридан. Саудия Арабистони ички ишлар министрлигининг расмий вакили мамлакатда сиёсий маҳбуслар йўқлигини айтди. Майда ҳуқуқбузарлик қилганлиги учун, қарздорлардан олган қарзларини уза олмаганлиги, шунингдек унчалик катта бўлмаган жиноий ишлар юзасидан тергов қилинаётган кишилар авфдан фойдаландилар. Саудия қироллигида жиноий кодекс йўқ. Адлия системаси тўла-тўкис мусулмонлар ҳуқуқи — шариатга асосланган.

⊙ БАЙРУТ. Сурия қўшинларининг аралашиши натижасида Ғарбий Байрутда умуман осойишталик тикланди. Бу ерда кечаги кундан бери шияларнинг «Амал» ҳаракати билан эронпарат «Ҳезболлаҳ» ташкилоти ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлаётган эди. Араб мамлакатлари уюшмасининг қарорига асосан Суриянинг Ливанга киритилган ҳарбий бўлинмалари, деб хабар берди «Саут ал Ватан» радиостанцияси, ҳарбий ҳаракатлари бўлаётган районларни ўраб олиб, душман томонларни бир-биридан ажратдилар. Баъзи ерларда Сурия аскарлари билан ҳар иккала шия ташкилоти жангарлари ўртасида отишмалар бўлди. Мазраа, Бурж Аби-Ҳайдар, Ўзаи даҳаларида автомат қуроллар ва гранатомётлардан фойдаланиб жанглар авж олдирилди. Бир қанча жойларда ёнғин чиқди. Ливан пойтахти жанубида халқаро аэропортга олиб борувчи йўл ёқасида ҳали ҳам аҳён-аҳёнда ўқ овозлари эшитилиб турибди, деб хабар беради радио. Ғарбий Байрут касалхоналаридан олинган маълумотларга қараганда, тўқнашувлар оқибатида тўққиз киши ҳалок бўлган, 33 киши жароҳатланган.

⊙ СОФИЯ. БХР министрлар кенгаши раиси А. Луканов билан Албания давлат план комиссиясининг раиси Н. Гюзари ўртасидаги суҳбат Болгария — Албания иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга бағишланди. Суҳбат икки мамлакат иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи ҳукуматлараро комиссиянинг бу ерда ўтаётган иккинчи сессияси доирасида бўлиб ўтди.

Сессия бошланишида Н. Гьюзари маълум қилганидек, Албания ҳукумати Болгария билан иқтисодий ҳамжиҳатликни кенгайтиришдан манфаатдордир, деб хабар беради БТА агентлиги. Ҳозирги вақтда гап кўпгина лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш тўғрисида бормоқда, осмон йўллари, соғлиқни сақлаш, маданий алоқаларга доир, БХР билан Албания савдо палаталари ҳамкорлиги, ветеринария — санитария конвенцияси тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Комиссиянинг биринчи ва иккинчи сессиялари орасида Болгария билан Албания ўртасидаги товар айирбошлаш икки ярим баравар ошди.

⊙ ПРАГА. Чехословакия Федератив Республикаси билан муқаддас салтанат ўртасида ЧСФР ҳамда Ватикан дипломатия ваколатхонаси (Апостол нунциатураси) даражасида дипломатия муносабатлари тикланганлиги тўғрисидаги аҳдлашувга эришилди, деб хабар берди ЧТК агентлиги.

Чехословакия билан Ватикан ўртасида 1919 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилиб, 1939 йилда бу муносабатлар вақтинча узилиб қолган эди. 1950 йилнинг март ойида Чехословакия ташқи ишлар министрлиги Прага нунциатураси вакили сиёсий сабабга кўра айбланганлиги муносабати билан мамлакат территориясидан чиқиб кетишини талаб қилган эди.

ТАСС.



⊙ **ЛИВАН.** Бу мамлакат кўпдан бери давом этиб келаётган қонли гражданлар уруши туфайли тилка-пора бўлиб кетди. Аҳоли ўртасидаги қурбонларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Минг-минглаб кишилар уруш қурбони бўлишди. Уларнинг орасида болалар ҳам бор. Болалар ана шу фожианинг гувоҳи бўлибгина қолмай, кўп ҳолларда жанговар ҳаракат теграсига тушиб қолиб, ҳалок бўлишяпти.

СУРАТДА: умидсизлик ва чорасизлик, доимий хавф остидаги ҳаёт — бугунги Ливан воқелигидир.

ТАСС сурати.

«Кексаларимиз—сафда» танловига

Тошкент ва тошкентликлар

ТОШКЕНТ шаҳар партия ташкилоти Улуғ Ватан урушининг бошланишида Қизил Армия сафига партия ташкилоти шахсий составининг қарийб 41 фоизини жўнатди. Фақат 1941 йилнинг 23 июнидан 26 июнига қадар Тошкент шаҳар партия комитети Қизил Армия сафларига сафарбар этиб, фронтга 128 нафар раҳбар состав коммунистларини, 70 нафар командирлар состави коммунистларини, 436 нафар кичик раҳбар состави коммунистларини ва 6215 нафар оддий состав коммунистларини жўнатди.

Марказий Комитет аъзоларидан тортиб оддий коммунистларгача ҳамма — қаерда хатар кўпроқ бўлса, ўша ерга йўл оларди. Коммунистлар совет жангчиларини социалистик Ватанларига чексиз садоқат, унинг душманларига нафрат руҳида тарбиялашарди, қўшинларда революцион тартиб ва интизомни мустаҳкамлашарди, уларнинг матонати ва жанговарлик қобилиятини оширишарди.

комитетига ариза берган эдим, аммо менинг бу илтимосим шу вақтга қадар қондирилгани йўқ. Ҳозир миллий қисмлар ташкил этилаётган экан, мени миллий қисм сафига қабул қилишингизни сўрайман. Мен Қизил Армия сафида қутурган ёвуз фашизмга қарши шафқатсиз курош олиб боришни, жонажон Ватанимизни муҳофаза қилишни истайман».

Қодир Мирсалиев аризасида шундай деб ёзилган: «Ёшим 43 да бўлиб, мен миллий қисмга чақирилмайдиган бўлсам ҳам, Фарғонада ва Еттисувда душманга қарши курашганман, босмачиларга қарши жанг қилганман. Менинг ўғлим фронтда, мен ҳам албатта фронтга боришни, ёвуз душманга қарши кураш олиб боришни ҳоҳлайман. Комиссиядан мени миллий қисмга қабул қилишингизни сўрайман».

Комиссия Мирсалиевнинг илтимосини қондириб, уни 89-ўқчи бригадага қабул қилди.

Коммунист Тоғай Ҳафизов 99-отлиқ дивизияга

2. «КОММУНИСТ ДЕБ ҲИСОБЛАНГ»



Шаҳар партия ташкилотининг бевосита раҳбарлигида урушнинг дастлабки кунларидан шаҳарда қирувчи батальонлар ташкил этила бошланди. Улар армияга чақирилишдан озод қилинган, ҳарбий жиҳатдан синовдан ўтган ва тайёр бўлган меҳнаткашлардан ташкил топарди. Қирувчи батальонларни ташкил этишда партия ташкилотлари батальонларни кийим-кечак, қурол-яроғ ва транспорт билан маҳаллий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига таъминлаш масаласини ҳал этардилар.

Қирувчи батальонлар шаҳарнинг мудофаа учун ишлаётган корхоналарини, ҳарбий аҳамиятга молик бошқа объектларини ўз ҳимояларига олдилар.

Корхоналарнинг партия ташкилотлари қирувчи батальонларга ёрдам тарзида фабрика-завод дружиналарини ташкил этишарди.

Қирувчи батальонлар корхоналарни қўриқлабгина қолмай, шаҳарда соқчилик хизматини ҳам ўташар, инқилобий тартибни таъминлашарди.

Сафарбарлик ишлари, фронтни одам резервлари, қурол-яроғлар, ўқ-дорилар билан таъминлаш, ҳаво ҳужумидан ва кимёвий ҳужумдан мудофаани ташкил этиш масалалари шаҳар ва район партия комитетларининг бюроларида бир неча маротаба кўриб чиқилди.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг юксак сиёсий онглилиги Тошкентнинг чақириқ пунктларига етиб келиш якунларидан яққол кўриниб турибди. Бу кўрсаткич 97,3 фоизни ташкил этади. Жами ҳарбий хизматга чақирилганларнинг 20 фоизини партия аъзолари, 24,4 фоизини ВЛКСМ аъзолари ташкил этдилар. Партия-комсомол аъзолари ҳаммаси бўлиб, чақирилувчиларнинг 44,4 фоизини ташкил этди. 1941 йилнинг июнь ойида Қизил Армия сафларига чақирилганлар ўртасида 1777 киши ворошиловчи мерган нишонига, 2289 киши меҳнат ва мудофаага тайёр нишонига, 3771 киши санитария мудофаасига тайёр нишонига эга эди.

Шуни қайд этиш керакки, запасдаги ҳарбийларни ва 1922-1923 йилларда туғилган чақирилувчиларни чақириш билан бир вақтда ҳарбий комиссариатлар ва махсус комиссиялар 19 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизларни ҳам ҳарбий хизматга чақирдилар. 2023 кишига берилган наряд тўла ва белгиланган муддатда бажарилди. Уз вазифаларини тўғри англаган қизлар алоқа органларида ва Қизил Армиянинг бошқа жабҳаларида эркаклар ўрнини босишди.

Шаҳар партия ташкилоти корхоналар ва аҳоли ўртасида катта оммавий-сиёсий ишларни олиб бордилар. Бу ишлар ҳарбий комиссариатларга ҳарбий хизматга чақириш билан боғлиқ вазифаларни қисқа муддатларда уддалаш имконини берди.

1941 йилнинг ноябрида Давлат Мудофаа Комитети Иттифоқдош республикаларда миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. ДМКнинг бу қарорини Совет Иттифоқи республикаларининг меҳнаткашлари маъқуллаб кутиб олдилар.

Миллий ўзбек ҳарбий бирлашмаларни тузиш ҳақидаги масала Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг V пленумида, Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг бюросида, шаҳар ва район партия комитетларининг бюроларида ва бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида бир неча маротаба муҳокама қилинди.

Миллий ҳарбий бирлашмаларни тузиш ҳақидаги қарор коммунистлар, бутун халқ томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Ўзбекистон КП (б) Калинин район комитетининг котиби Солиҳ Юнусов ўз аризасида шундай деб ёзган эди: «Ватанимизга фашистлар Германияси хиёнаткорона ҳужум қилганидан сўнг мен дарҳол Қизил Армия сафига кўнгилли равишда қабул қилишларини сўраб шаҳар партия

қабул қилинар экан, партия ишончини шараф билан оқлайман, сўнгги томчи қоним қолгунча Ватанимизни гитлерчи босқинчилардан ҳимоя қиламан, деб маълум қилди.

Октябрь районидаги «Баланд-мачит» маҳалласида истиқомат қилувчи А. Нажмиддинов отлиқ дивизиясига қабул қилинган эди. Бу ҳақда хабар топган бир гуруҳ қариялар йиғилиб Нажмиддиновнинг отасини шу маҳаллада тарбияланган фарзанди миллий дивизияга қабул қилинганлиги билан табриклашди. Шу куниёқ маҳалла фаоллари чақирилувчиларни миллий дивизияга кузатиш шарафига умумий йиғилиш ўтказдилар.

60 ёшли Жамил ота ана шу йиғилишда сўзга чиқиб, шундай деди: «Менинг ўзим ҳунармандман, катта ўғлим — врач, иккинчи фарзандимни Қизил Армия сафларига жангчи сифатида тайёрлаяпман. Нажмиддиновнинг отлиқ дивизияга қабул қилинганлигини билиб, мен унга ўз пичоғимни совға қиламан, у ана шу пичоқ билан Гитлерни бошидан жудо қилсин».

Шу йиғилишда Нажмиддиновнинг рафиқаси ҳам сўзга чиқди: «Умр йўлдошим оиламиздан хавотир олмасин, бизни таъминлашади, у ўзбек 7-дивизиясига қабул қилинганлигидан фахрланаман, у командир бўлади. Аминманки, умр йўлдошим фарзандларимиз, ота-оналаримизнинг тўкилган қони учун Германия империалистларидан қасос олади, аминманки, умр йўлдошим қаҳрамон бўлиб, кўксида орденлар билан қайтади, у Ленин партияси ишончини тўла оқлайди», — деди у.

Чақирилувчиларни худди шундай кузатишлар Тошкент шаҳрининг бошқа маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати катта ёшдаги барча аҳолини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳарбий ишга ўргатишда Ленинниг ғояларидан ва гражданлар уруши тажрибасидан оқилона фойдаландилар. Жамоат ташкилотлари ва кўнгилли жамиятлар ёрдами билан ҳамма ерда умумтаълим бўлинмалари тузилиб, меҳнаткашларни ҳарбий мутахассисликларга ялпи ўқитиш йўлга қўйилди.

ВКП(б) Марказий Комитети ва Давлат Мудофаа Комитетининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, бизнинг Тошкент шаҳримиз ҳам Қизил Армия учун резервларни тайёрлади.

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг раҳбарлигида шаҳар ва район партия комитетлари Тошкентнинг бошланғич партия ташкилотларида аҳолининг ҳарбий тайёргарлигини ташкил этдилар. Заводларда, муассасаларда группалар тузиларди, улар ўқ отишни, граната улоқтиришни ўрганишарди, ҳарбий техникани ва найзабозлик жанги усулларини, окоп қазиш ва уни ниқоблаш, душман танкларига қарши курашишни ўзлаштиришарди. Мазкур группалар взводларга ва ротталарга бирлашарди.

Ҳарбий таълим инструкторлари сифатида ўрта бўғин командирлари ҳамда сиёсий ходим, запасдаги кичик бўғин командирлари жалб этиларди, сафарбарликдан вақтинча олиб қолинганлар, шунингдек, катта ёшдаги яхши тайёргарликка эга бўлган, армияга чақирилмаган оддий солдатлар ҳам шулар жумласидандир.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қатори тошкентликлар ҳам Ватан олдидаги ўз бурчларини юксак даражада ҳис этиб, қўлларига қурол олдилар. Қизил Армия учун ўринбосарларни тайёрлай бошладилар. Тошкентда меҳнаткашлар 1941 йилнинг 1 октябридан ҳарбий таълимни ўргана бошладилар. Умумий таълимнинг дастлабки кунлари партия ташкилотлари ва ҳарбий комиссариатлар жиддий тайёргарлик ишларини олиб борган ерларда ҳарбий таълим уюшқоқлик билан бошланганлигини кўрсатди.

Р. ШАРИПОВ,
тарих фанларн номзоди, доцент.

УШБУ мактубларни қайта-қайта мутолаа қиларканман машҳур Николай Островскийнинг: «Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Уни шундай яшаш керакки, кейин ўтган умрингга ачинмагин», деган сўзлари хаёлимга келаверади.

Зеро, шундай экан, ҳаётда қандай яшамоқ керак? Қайси йўлни тутса инсон ўтган умрига ачинмайди!

Навоийнинг:

«Одами эрсанг демагил одами,
Оним йўқ халқ ғамидин ғамни»,

деган сўзлари бунга тўғри жавоб бўла олади.

Энди ана шу доно сатрларни қўлимиздаги мактубларга қиёс этайлик. Ҳамза районидаги Янгиобод даҳасининг 25-уйида истиқомат қилувчи Муҳаббат Баратова ўз хатида «Тўрт болам билан қийналиб кетдим. Менга уй олишга ёрдам беринглар», деб ёзади.

Оқилона талаб. Албатта ҳар ким бола-чақаси билан ҳоли яшагиси, «аравасини ўзи тортгиси келади». Лекин ҳар қандай талаб ва истакка энг аввало қонун нуқтаи назаридан ёндошмоқни унутмаслик керак.

Гап шундаки, бир ҳовлида уч ака-ука, уч келин яшашади. Ота-она ҳаётлигида **иззат ва ҳурмат** билан иш тутган оила қариялар вафотидан сўнг «сан-манга» , бориб қолишди. Иш шунга бориб етадики, ака-укага қўл кўтарди. Қўшнилар безовта. Алҳазар, уларга нима керак ўзи? Ҳайҳотдек ҳовли бўлса. Учала оила ўз уй-жойига эга, рўзғори бут бўлса. Яна нима етишмаяпти, ахир? Оқибат етишмаяпти. Бу сўзимиз дилгир кўнгилларга заррача озор берган бўлса, зинҳор-базинҳор узр. Лекин вазият шундай дейишга ундаяпти. Ҳовли талаш, ҳатто ўтирадиган сўри тала-тортиш бўлса бундан ўзга нима дейиш ҳам мумкин? Бизга қолсаку, улар ўз истагича ҳоли яшасалар деймиз, лекин шарт-шароит кўтармаса, ҳовли-жой ака-укалар яшаши учун етарли бўлса нима қилмоқ керак? Уларга ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлганларнинг ҳаммасини ҳам шу савол қийнаяпти. Шундай экан, бу туғишганларга донишмандниг: «Ҳаётда ҳамма нарса топилади, аммо қадр-қиммат топилмайди» деган сўзларини яна бир бор чуқур мушоҳада қилиб кўришларини маслаҳат берардик. Ахир халқимиз «жигарчилик — минг йилчилик» деб бекорга айтмаган-ку. Дунёда битмайдиган иш йўқ. Ҳаммаси изга тушиб кетади. Лекин ўртада меҳр-оқибат йўқолгани қолади. Уни авайлаш эса қўлимизда, дилимизда.

— Мени қўлимга қалам олишга мажбур қилган нарса ота-онадан қолган ҳовли мероси, — деб ёзади Октябрь район Маҳтумқули кўчасидаги 131-уйда яшовчи Дилбар Исмоилова. — Ота-она кўзи тириклигида ўз хоҳиши билан фарзандларига бўлиб берилмаган ҳовли улар оламдан ўтганларидан сўнг тала-тортиш бўлиб ётибди. Уч ўғил ва уч қизнинг ҳаммаси оилали, ўзига тўқ, қаерга қўлини узатса етади».

Шу ерда беихтиёр хат муаллифига: «Шундай экан, сизларга яна нима керак?» деган саволни бергимиз келади. Бу савол жавобини эса яна ўша оқибат сўзидан изламоққа тўғри келади.

Қолган меросхўрлар ўз улушларини талаб қилишяптими-йўқми билмадик, лекин ҳозирча ҳовли фақат ўртанча ака билан кичик ука ўртасида талаш бўляпти. Ўйлаб ҳайрон қоласан. Ахир бу ерда қўни-қўшни, маҳалла фаоллари борми ўзи? Наҳотки улар ака-укани келиштириб қўйишга қодир эмас. Қолаверса, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқий органлар мушкулни осон қилиб беришлари мумкинку, ахир. Ё бунинг учун ҳам юқоридан бирон кўрсатма керакми?

Қўқон шаҳар, Самолётсозлар кўчаси, 30-уйда турувчи Султонбой Раҳматуллаевдан келган хат мунозарадир.

Ота-она келинлари Муяссархоннинг қилмишларидан шикоят қилиб ёзишибди. «Ўғлимиз Муҳаммаджон Раҳматуллаев келиннинг инжиқликларидан қийналиб кетди», деб ёзишади улар.

Албатта, биз Муяссархонни инсофга, қарияларга эътиборли бўлишга чақирамиз. Лекин бизни кўпроқ ўйлантирган нарса, ўғилни бутунлай оқ келинни мутлоқ қораланиб ёзилишидир. Чиндан ҳам шундаймикан? Муҳаммаджонда ҳеч ҳам гуноҳ йўқмикан? Бу албатта виждонга ҳавола. Лекин бир нарса аниқ. Эр зукко, мушоҳадали бўлса, хотин шунга яраша тош босади. Бу аллақачонлар исботланган тушунча.

Одам бўлиш осонми?

(Оқшомхонлар мактубини ўқиб)

«Мен оқшомхонларга бир бахтли оила ҳақида ёзмоқчиман, — деб ўз мактубини бошлайди Юнусобод даҳасидаги 14-уйнинг 7-квартирасида турувчи Маъмура Ҳусанова. — Ўшанда дугонам Саодатхоннинг Қудратга турмушга чиқаётганини эшитиб ҳайратдан ёқа ушлагандик. Ахир қандай қилиб олий маълумотли ўқитувчи бўлган қиз, қамоқхонада бир йил ўтириб чиққан безори йигит билан ҳаёт қуришга розилик билдирса? Ҳатто, Саодатхонга буни очиқ айтганлар, уни бундай «бахтдан» воз кечишга ундовчилар ҳам бўлди. Саодатхон ҳамиша уларга кулиб: «Тарбиялаб олиш қўлимдан келади уни» деб жавоб берди. Бунинг устига-устак ота-онасиз беш бўйдоқ йигит тор каталакдан иборат бўлган беш хонали квартирада яшашади. Болалар уй талашиб ҳар куни бир-бирлари билан ёқа бўғишган.

Хуллас, энг катта ака Қудрат уйланди. Саодатхон ҳонадонга келин бўлиб тушган кунданоқ қўшниларнинг қулоғи динг. Қани бу «севишганлар»нинг ҳоли нима кечаркин? Бироқ ҳонадон тинч. Ҳар кунги жанжаллар барҳам топган. Қудрат одамларга, маҳалла-кўйга қўшилган, тўй ва маъракаларда бош-қош. Укалари ҳам баодоб, салом-алик жойида.

Дугонамдан аҳвол сўрасам нуқул «яхши» деяверади. Ишонмай уйига бораман. Оиладаги аҳилликни кўриб кўнглим жойига тушади.

Кейин билсам дастлаб унга осон бўлмаган экан.

Бебош қайнилар уни сўкиб, ҳақоратлаган кунлар ҳам бўлибди. Лекин чидабди, эри келганда чақмачақарлик ўрнига нуқул укаларини мақтармиш. Қайниларидан биронтаси касал бўлса атрофида парвона, айланиб ўргилармиш. Ҳар ойликдан уларга кийим-бош олиб берган, кам-кўстига ёрдамлашган. «Нима қилай, виждоним шундай қилишга ундарди. Қолаверса, бармоғимнинг унисини тишласам бунисини тишласам унисини оғрирди. Бу кунлар унутилиб йигитлар яхши бўлиб кетишига ишонардим. Уларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилардим», — дейди у ўтмишини эслаб.

Бора-бора қайнилар ҳам унга ўрганиб қолишди. оналаридек кўнгил ёзишди. Кейин бирин-кетин ишга жойлашишди. Уйланиб, оилали бўлишди. Бу ишларда Саодатхон уларга ҳақиқий меҳрибон ва жонкуяр она бўлди.

Яқинда дугонамни тўртинчи фарзанди билан табриклагани уйига борсам, тўкин дастурхон устидан чиқиб қолдим. Ака-укалар, овсинлар тўпланишган экан, уларнинг ҳаммалари Саодатхонни қутлашар, 7 кунлик чақалоқ Ботиржонни қўлма-қўл кўтаришиб айланиб ўргилишарди.

— Саодатхон опа бизни ҳақиқий онамиз. У кишига ҳар қанча миннатдорчилик билдирсак оз, — дейишади қайнилари. Бу сўзларни эшитиб Саодат жилмаяди. Унга назар ташларканман дугонамнинг табассумли кўзларидан олам-олам маъно уқаман».

Ушбу сатрларни ўқиб туриб беихтиёр донишмандниг «Киши ўзгалар манфаатини ўзиникидан устун қўйиб, уларга қанчалик кўпроқ фойда етказса, унинг яхшилиги шу қадар улуғдир» деган сўзларини эслайман. Қани энди ҳамма ҳам Саодатхондек бўлса, ҳаётга тийрак кўз билан қараса. Ана ўшанда майда-чуйда гапларга ўрин қолмас, инсон ўтган умрига ҳам ачинмасди. Зеро, одам боласи бўлиш осон, одам бўлиш эса қийин.

М. КОМИЛЖОНОВ.



⊙ ИВАНОВО ОБЛАСТИ. Волга бўйидаги қадимги Юрьевец шаҳарчасида жаҳон киноснинг таниқли устаси Андрей Арсеньевич Тарковскийнинг хотира кунлари бўлиб ўтди. Шаҳарча аҳолиси ҳузурига Андрейнинг синглиси — Марина Арсеньевна қизи ва ўғли билан, унинг фильмларида ролларни ижро этган артистлар меҳмон бўлиб келишди.

СУРАТДА: Марина Арсеньевна учрашувда томошабинлар билан Андрей ҳақидаги хотираларини ўртоқлашмоқда.

Г. Попов (ТАСС) сурати.

⊙ БЕЛОРУССИЯ ССР. Ўз кооператив фермаларининг ташкил этилиши Могилев парандачилик фабрикаси ишчилар шаҳарчасининг аҳолисига ташиб келтириладиган сутдан воз кечиш имконини берди. Корхона қирққа яқин ишчи ва мутахассисларининг ҳар бири банкдан минг сўмдан қарз олиб, ана шу маблағларга 30 та сигир, қўшни хўжаликдан бўш ётган саройни сотиб олди.

СУРАТДА: технолог Е. В. Коршуноваинг қизлари Кристина ва Алеся янги соғилган сутни яхши кўришади.

С. Желудович (ТАСС) сурати.

Тиббиёт муассасаларида

ТАБИАТНИ СЕВГАН ШИФОКОР

ТАБИАТНИ асраш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бебаҳо бойлик бўлмиш инсон соғлиғини сақлашдек буюк вазифа — умумхалқ ишидир. Бу ишга ҳар бир киши ўз улушини қўшиши ҳам фарз, ҳам қарз. Фрунзе районидаги Саломатлик марказида бош шифокор Муҳайё Низомова раҳбарлигида бу ишга катта аҳамият бериляпти. Марказ аҳолига тиббий ва озодалик ишларини тарғибот қилиш билан бирга, бугунги кундаги ўткир муаммолардан бири — табиатни асрашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Саломатлик марказида шифокорлар билан шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари учрашиб, фикр алмашадилар, экология муаммолари ҳақида суҳбатлашадилар. Шифокорлар ҳар йили саломатлик кунига махсус деворий рўзнома тайёрлашади. Яқинда ўтказилган кўрикда ҳам райондаги ҳар бир шифохона ходимлари ўзларининг деворий рўзномаларини намойиш қилишди. Шифокорларимиз бугунги кунда табиатни асраш муаммоларини чуқур тушунганлар.

Шаҳардаги 19-шифохона ходимлари ўзларининг кўрикда намойиш қилган ишларида шаҳримиздаги завод, фабрика ва ташкилотлар атроф-муҳитни ифлослантираётганликларини кўрсатиш билан бирга, ана шу камчиликларни бартараф этиш инсоннинг ўз қўлида эканлигини рўзномада маҳорат билан ифодалашган. 6-болалар шифохонаси ходимлари ўзларининг ишларида эса болаларнинг келажаги, соғлиғи катталар қўлида эканлигини тарғибот қилувчи ғояни илгари суришган. 23-шифохона ходимлари эса одамлар сувга ташлаган ахлат қолдиғини бургут тумшуғида олиб ташлаётганини жуда таъсирчан қилиб кўрсатишган. Бундай манзарани кўрган ҳар бир одам сувга ахлат-чиқиндилар ташлашдан ўзини тияди.

Шуниси диққатга сазоворки, Фрунзе район Саломатлик маркази жамоаси ва турли тиббиёт муассасалари шифокорлари ҳалқ саломатлигини муҳофаза қилиш билан бирга, инсон яшаш тарзининг асосий омили — табиатни ноқ сақлаш бўйича ҳам амалий тадбирларни кўришмоқда.

О. ҚУРБОНОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети катта мутахассиси.

Набототт оламида

ҚИРМИЗИ ЛОЛАЛАР

МАНА ўлкамиз бўйлаб гўзал баҳор кезмоқда. Ер юзидаги барча халқлар баҳорни сеҳргарга, навниҳол қизга қиёслашлари тасодифий бўлмаса керак. Ялангоч новдаларда митти куртакчалар пайдо бўлиши, уларнинг аста-секин катталашиб бўртиб бориши, ажойиб дақиқалардан бирида очилиши, ям-яшил майда япроқчалар чиқариши, орадан кўп ўтмай ғунчалаши, ғунчалар тезда гулга айланиши сеҳргарлик эмасми?!

Айрим ўсимликларда эса бунинг акси бўлади. Улар аввал гуллайди, кейин япроқ чиқаради.

Ўрмон ёнғоғи қандай чиройли гуллаганига бир қаранг, унинг барча новдалари шамолда аста тебраниб турган кокиллар билан безанган. Гўзал ольха дарахти ҳам майда қора сўтачалар шаклидаги ўтган йилги мевалари ва шода-шода гулларини томоша қилгани чорлайди. Ботаника боғининг ичкарисига кириб борганингиз сари кўм-кўк майсалар орасидаги заъфароннинг очилган сариқ гулларига ва биринчи бўлиб очиладиган сариқ лолаларга кўзингиз тушади.

Ўрта Осиёнинг яшил ўсимликлар олами чет эл боғбонларининг кўпдан-кўп авлодлари учун манзарали ўсимликларнинг янгидан янги навларини яратиш учун ўзига хос манба бўлиб хизмат қилганлигини биласизми? Улар лола, гулсапсар ва бошқа гулларни чатиштирар, янги навларини яратишар, кўпайтиришар эди.

Лолаларни қуёш фарзанди деб аташади. Эрта билан лолалар экилган эгатларга қуёшнинг дастлабки заррин нурлари тушиши билан улар «Кунингиз хайрли бўлсин!» дегандек, ўз косаларини очадилар. Агар сиз Ботаника боғига марҳамат қилсангиз, «Оналик шуҳрати», «Лайлакча», «Аэлита» деб номланган ва бошқа лолаларни кўрасиз. Қадим замонлардан бери лолалар бойлик орттириш манбаи бўлган, уларни коллекция қилиб келишган, янги навлари учун кураш олиб борилган. Улар ҳақида афсоналар тўқилган, китоблар ёзилган. Ана шундай китоблардан бирини севимли ёзувчимиз Александр Дюма ёзган, бу китоб «Қора лола» деб номланади. Бир дона «Семпер августус» лоласининг пиёзи учун 13 минг гулдон (26 минг сўм) тўланганини ҳақидаги ҳикоя бизнинг давримизгача етиб келган. «Вице-қирол» пиёзи учун эса 72 ботмон бугдой, 4 қўйиз, 8 чўчқа, 12 қўй, 2 бочка мусаллас ва бир бочка пиво, 2 бочка ёғ, 4 пуд пишлоқ ва бошқа нарсалар тўланган дейишади.



Табиатнинг энг ажойиб ўсимликларидан бири — магнолия қандай гуллашини кўрганмисиз? Боғимизга марҳамат қилсангиз, гулларининг япроқлари лимон ва хушбўй ванилли сиғуфириб турувчи ана шу ғаройиб ўсимлик билан танишасиз. Тошкент Ботаника боғида қонун йўли билан муҳофаза қилинаётган «Қизил китоб»га киритилган яна талайгина наботот олами намуналарини кўздан кечиришингиз мумкин.

П. ПОГОРЕЛАЯ,
Тошкент Ботаника боғининг хизматчиси.

СУРАТДА: Тошкент Ботаника боғида. Янги нав лола муаллифи — лаборатория бошлиғи, боғ директорининг ўринбосари А. Шарипов ва илмий котиба Р. Рамазонова.

Т. Каримов сурати.

ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

⊙ ТИББИЁТ олий ўқув юртларида таълим бериш ишлари кўпроқ амалий бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бўлажак салоҳиятлик посбонлари билан амалий машғулотларни мақсадга мувофиқ равишда уюштиришга Тошкент давлат тиббиёт институти факультетларида алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Ана шу мақсадда ўқув дастурларини ўзгартириш тадбирлари кўрилди. Ихтисослик бўйича ўтказиладиган фанлардан мустақил ишларни кенгайтиришга эришилмоқда.

Олий ўқув юртининг поликлиникаларда кафедралари очила бошланғани амалий машғулотлар олиб бориш учун қатор қулайликлар туғдирди. Толиби илмларнинг «Тез ёрдам» хизматида банд бўлишларига ҳам эришилди. Бунинг учун институтнинг 1—3-курслари талабаларига машғулотлардан сўнг, ўрта медицина ходими бўлиб ишлашга рухсат берилди. Бўлажак шифокорларнинг айрим фанлардан мустақил ишлашлари ҳам йўлга қўйилди.

С. ОДИЛОВА.

ТАЛАБ ОШМОҚДА

Кейинги вақтларда Германия Федератив Республикасида алкоголсиз ва кам алкоголли пивога бўлган талаб кундан-кунга ўсмоқда. Буни яқинда нашр этилган ўтган йилги статистика маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Ўтган йилга нисбатан, дейилади ГФР пиво пиширish саноати уюшмаси тайёрлаган докладда, пивонинг бу навларини ишлаб чиқариш бир мунча кўпайди ва уч миллион гектолитрни ташкил этди. Яна 50 та пиво заводи алкоголсиз ва кам алкоголли пиво ишлаб чиқара бошлади. Мутахассислар бу ичимликларнинг бозори чаққонлигини уларнинг юқори сифатлилиги, таъми пивонинг «классик» навларидан қолишмаслиги билан изоҳлашмоқда.

Нормал пиво истеъмол қилиш бир мунча ошган бўлсада, ўтган йилда 93 миллион гектолитрни ташкил этди.

Ғарбий Германия пиво пиширувчиларини чет эл фирмаларининг рақобати ташвишлантирмайди: ГФР ички бозорида чет эл фирмаларининг улуши олдингидек 1,8 фоиздан ошмайди.

КЎНГИЛГА ХУШ ЁҚАДИГАН ЭСКИ ҚОИДАЛАР

«Фақат эсдаликларда қолган шаҳар» — Белград кўчаларида пайдо бўлган ва саёҳатчилар учун мўлжалланган трамвайдаги сайр мавзуи ана шундай деб номланади. XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида пойтахтнинг марказий қисмида қатнаган эски «Иккинчи» трамвайнинг ҳаракат йўналишигина эмас, бамисоли тарихий суратлардан тушиб келган вагоннинг ўзи ҳам ғаройибдир. «Қарияни» (шаҳарликлар «янги» трамвайни дарҳол ўз муҳаббатларини изҳор этиб шундай деб атай бошладилар) излаб топиш билан бирга кўҳна Белград ҳақидаги қизиқарли хикояни ҳам ёзиб чиқишга тўғри келди.

Унинг саҳифаларидан бири 1892 йилдан бошлаб Югославия пойтахтида қатнай бошлаган трамвайнинг тарихига бағишланган. Ушанда вагонга от қўшиларди, йўл ҳақи эса... йўловчининг вазнига қараб белгиланарди. Патта олиш учун пули бўлмаган йўловчилар «қарз»ларини эртаси куни узишарди, уларнинг сўзларига ишонишарди. Эски қоидаларнинг яна бир банди ҳозирги шаҳарликларни шак-шубҳасиз ажаблантиради: эркак йўловчилар ҳар бекатда конкадан тушишлари, аёлларга вагонга чиқиб олишда ёрдам беришлари керак эди.

ГИЁҲФУРУШЛАРГА ҚАРШИ

Шартли равишда «Примавера» деб аталган, полициячиларнинг гиёҳфурушларга қарши кенг кўламли операциясининг навбатдаги босқичи натижасида Испанияда тўққиз юздан зиёд киши наркотиклар билан савдо қилишда айбланиб ушланди. Ички ишлар вазирлиги вакилларининг хабар қилишига қараганда, жиноятчилардан 75 минг доза кучли наркотик модда, 9,5 минг доза кокаин, 4 центнердан зиёд наша ва 46 минг дона ўқ отувчи қурол, 242 мингта совуқ қурол, жуда кўп миқдорда пул мусодара қилинган. «Примавера» операцияси Испания полицияси томонидан 1987 йилда ишлаб чиқилган. Ушандан бери 14,5 мингга яқин гиёҳфурушлар қамоққа олинган. Улардан оз эмас-кўп эмас миллион доза кокаин ва героин, уч тоннадан зиёд наша, юзлаб ўқ отувчи қуроллар мусодара қилинган.

Испания полициячилари бир йўла яна бир «Лоро» деб аталган, узоқ муддатга мўлжалланган операцияни ўтказишяпти. Ундан кузатилган мақсад — мамлакатдаги мавжуд ўғирланган молларнинг чайқов бозорига зарба беришдан иборат. Яқинда маъмурият вакилининг маълум қилишига қараганда, икки йил мобайнида ўғирланган 1.300 та автомобиль, 9 мингта заргарлик буюмлари, 1.300 та видеомагнитофонлар ва бир неча мингта радиолалар, телевизорлар, суратга олиш аппаратуралари эгасига қайтарилган.

Дўстлик масофа танламайди





МЕҲМОНДЎСТ халқимизнинг ажойиб, ўрнак олса арзийдиган анъаналари кўп. Масалан, бу йилги Наврўзни олайлик. Қутлуғ айём туфайли турли миллат вакиллари бир-бирлари билан янада иноқ бўлиб қолишди. Сергели-2 Иттифоқ маҳалласида бир даврага йиғилиб, ширин суҳбат қураётган ўзбек, рус, корейс, озарбайжон ва бошқа миллат кишиларини кўриб ҳавасим келган эди. Байрам дастурхони ҳам ўзига хос безатилган. Ўзбекча палов, норин, кўкат сомсалар... Евгений Петрович рус қуймоғи, Русан Ли корейс оши, Заҳар Абдиев эса татарча таом тортиқ қилишибди. Ўйин-кулги анча вақтгача давом этди.

Дўстлик алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб, қулоч ёзмоқда. Шу боис ҳам пойтахтимизга турли область ва республикалар, шунингдек хорижий юртлардан меҳмон келиши одат тусига кириб қолди. Яқинда Ғарбий Берлиндаги олий ўқув юртларида таълим олаётган бир гуруҳ талабалар, ёш ўқитувчилар ташриф буюришди. Улар республикамиз ҳаёти, маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш мақсадида музейларда, мактаб, болалар боғчаларида бўлишади. Шунингдек, Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларидаги диққатга сазовор жойларни томоша қиладилар. Бундай маданий ҳамкорлик «Спутник» халқаро ёшлар саёҳатчилар бюроси томонидан ташкил этилган.

Немис биродарларимиз пойтахтдаги Ленин номидаги пионер саройида ҳам бўлиб, матога бадиий безак тушириш, ганч-ўймакорлик ва бошқа тўгараклар фаолияти билан яқиндан танишишди.

Ш. САЪДИЕВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: меҳмонлар тўгарак машғулотларини кузатишаяпти.

Р. Альбеков суратлари.

Маданият хабарлари

ЖАВОБ САФАРИ

⊙ **ШАҲРИМИЗДА Югославиянинг Битол шаҳри театри ўз гастролларини бошлади.**

Македониянинг энг қадимий театрларидан бири ҳисобланган бу жамоа жумҳуриятимиз пойтахтига тўрт спектакль олиб келди. Бу В. Шекспирнинг «Гамлет», Б. Брехнинг «Мешчанча никоҳ» асарлари асосида тайёрланган спектакллардан бўлиб «Илҳом» театр-студияси санъаткорлари билан ҳамкорликда томошабинларга тақдим этилади. Бундан ташқари Г. Стефановскийнинг «Биз Битлзда улғайдик», «Қора тешик» спектакллари ҳам намойиш этилади.

Югославияликларнинг бу гастроли «Илҳом» театр студияси билан олдиндан тузилган шартнома асосида бажарилмоқда. Ўтган йилнинг сентябрь ойида «Илҳом» жамоаси «Битол» шаҳридаги халқ театри саҳнасида ўз санъатини намойиш қилган эди. Бу сафар улар шаҳримизга ташриф буюришди. Спектакллар рус ёш томошабинлар театри биносида бўлиб ўтади.

А. ФАЙЗИЕВ.

ЗАВҚ-ШАВҚ УЙҒОТАДИ

⊙ Машҳур бастакор Моцарт ижодида мусиқа санъатининг турли жанрларига доир кўплаб ёркин асарлар бор. Унинг «Реквием» деб аталган йирик мусиқаси эса энг яхши ижод намуналаридан бири саналади.

Мана шу асар ўз жозибаси ва ижро этилиши билан ҳам ажралиб туради. «Реквием» яқинда Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида юксак кўтаринкилик билан ижро этилиб, ихлосмандларда катта завқ-шавқ уйғотди. Уни Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри ҳамда жумҳурият давлат хор капелласи ҳамкорликда тайёрлаб, ғоят нафис концерт программаси сифатида кўрсатишга муваффақ бўлди.

Янги концертнинг муваффақиятли чиқишида ижодий жамоаларнинг бадиий раҳбарлари И. Коциньш билан А. Ҳамидовларнинг хизматлари катта бўлди.

С. ОБИДОВА.

МУҲАББАТ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ишбилармон кишилар чўпон Аҳмадга шундай таклиф қиладилар: сен қўй берасан, қиз эса сеники бўлади. Лекин уларнинг ниятлари амалга ошмади. Аҳмад ва Гуля танишишлари биланоқ бир-бирларини севиб қолишди, нопок одамларнинг фисқу-фасодларини шамолга учириб, покиза туйғуларга доғ туширишмади. Туркманистонлик ёш режиссёр Мурод Алиевнинг «Ченч» деб аталган биринчи бадиий фильмида ана шу воқеа тўғрисида самимият билан ҳикоя қилинади.

— Фильмни жумҳурият комсомоли Марказий Комитетининг буюртмаси асосида унинг маблағлари ҳисобидан суратга олдик, — дейди Туркманистон Ленин комсомоли мукофотининг совриндори М. Алиев. — Ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш масалалари кун сайин ўткирлашмоқда. Аввалги обрўсини йўқотган ва янги обрў орттира олмаётган ёшлар тўғри ҳаёт йўлини машаққат билан излаб топмоқда. Санъат ана шу аросатда улар маънавий дунёларини йўқотмасликлари учун ёрдам беришга даъват этилган.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ёш кино ижодкорларининг Ашхободда бўлган фестивалида ёшларни тарбиялашнинг долзарб масалалари ижодий мунозаралар марказида турди.

Асарлари фестиваль совринига сазовор бўлган муаллифлар орасида М. Алиев ҳам бор. У жумҳурият кинематографиясида «Янги тўлқин» вакили сифатида «Ченч» фильмининг сценарий муаллифи М. Бобоев сингари ўзининг кўпгина ҳужжатли фильмлари билан томошабинларга яхши маълум.

«Ченч» фильми кино юлдузлари — 90» деб аталган совет киноси актёрларининг иккинчи Бутуниттифоқ фестивалига ҳам тақдим этилган.

(ТАСС мухбири) Ашхобод.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 26 апрелда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Темир йўллари вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ТЕХНИКУМИ

9-синфни тугатганларни 1 курсга, ўрта маълумотга эга бўлганларни 2 курсга

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум темир йўллар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича техниклар тайёрлайди: тепловоз хўжалиги, темир йўлда электровоз хўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш хўжалиги, темир йўлда автоматика ва телемеханика, радиоалоқа ва радиоэшиттириш (ўрта маълумотга эга бўлганлар), симли алоқа (ўрта маълумотга эга бўлганлар), энергия билан таъминлаш ва энергетика хўжалиги.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН КИШИЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ (ўрта маълумотга эга бўлганлардан 14 августгача),

ИМТИҲОНЛАР 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўрта маълумотга эга бўлганлар: математикадан (оғзаки), рус тили ва адабиётидан (иншо), ўзбек тили ва адабиётидан (иншо).

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: рус тили ёки ўзбек тилидан (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

АРИЗА ТЕХНИКУМ ДИРЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛАДИ:

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта мактабни тўлиқ ёки тўлиқсиз тугатганлик ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақидаги медицина ҳужжати (086/У форма), 6 дона 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки чақирув қоғози.

Шаҳар ташқарисидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Яхши ўқийдиган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Аълочи ўқувчиларга 25 фоиз кўп стипендия берилади.

Техникум ўқувчилари йилига бир маротаба текин йўл билети билан таъминланадилар.

Техникум қўнимгоҳи: 700167, Тошкент шаҳри, Сариқўл кўчаси, 3-уй (1, 2, 5, 8, 10-трамвайларнинг «Сариқўл» ёки «Будённий кўчаси»; 55, 66-автобусларнинг «Темир йўл техникуми» бекатлари). Телефонлар: 32-40-85, 32-43-25, 32-44-96.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);

кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электргаз пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):

кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга, бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочиларни имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларининг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар «И. Ганди» номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилактоpийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спсрт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишдари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ КООПЕРАТИВЛАР ВА ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!



Тошкент районларининг озиқ-овқат савдоси ташкилотлари хонадонларда бўлиб, бўш шиша идишларини йиғиш борасида аҳолига хизмат кўрсатаётган кооперативлар ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданлар билан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Район озиқ-овқат савдоси ташкилотлари шартномалар асосида ўринма-ўрин алмаштириб туриш учун полиэтилен ва бошқа хил яшчиклар билан, хоналар ва транспорт воситалари билан таъминлашда ёрдам берадилар.

Йиғилган шиша идишларни қабул қиладилар ёки савдо ташкилоти номидан йиғилган идишларни саноат корхоналарига топширишда ёрдам кўрсатадилар.

Уйма-уй юриб аҳолидан йиғилган шиша идишлар учун хизмат ҳақи — шишанинг ҳажмидан келиб чиқиб, 2 тийиндан 4 тийингача ташкил этади.

Маълумотлар олиш учун телефон — 33-72-59.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

24 апрель соат 19.30 да

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

Арабистон давлатлари гастролига кетиш олдидан хушовоз хонанда

Нуриддин ҲАЙДАРОВ ИЖРОСИДА

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Концертдан тушган маблағ қурилаётган янги мачитга берилади.

Телефон 45-93-63.
Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

26 апрель соат 19.00 да

«ТАБАССУМ ОҚШОМИ»

«ТАБАССУМ» РАДИО ЖУРНАЛИ САҲНАДА

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳусан ШАРИПОВ

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиблари ва совриндорлари:

Обид АСОМОВ, Мирза ҲОЛМЕДОВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

Бадиий сўз усталари: Абдуҳолиқ МАМАРАСУЛОВ ва Машраб НАЗАРОВ;

лирик хонандалар: Санобар РАҲМОНОВА, Илҳом ЖЎРАЕВ, Азим МУЛЛАХОНОВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕРЛАР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ ва Рустам ҚУРБОНОВ.

Мусиқа муҳаррири — Аҳмаджон РЎЗИЕВ.
Муҳаррир — Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

ТОМОШАБИНЛАР ТАЛАБЛАРИГА БИНОАН

3, 4 май соат 19.00 да

«ҲАЗИЛ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўриги ғолиблари:

Мирза ҲОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

«ҚИЗИҚЧИ-89» кўриги совриндорлари: Тўхтамурод АЗИЗОВ, Собит АСОМОВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Зиёда МАДРАҲИМОВА, Одил КАМОЛХЎЖАЕВ

Лирик хонанда «КАМОЛОТ-89» кўригининг ғолиби Шомаҳмуд ШОРАҲМЕДОВ

Раққоса — Муаззам ҒОФУРОВА.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Дон Кихот**, 26/IV да **Масхарабозлар.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Олтин девор**, 26/IV да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IV да **Анқовлар чайқови.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Паранжи сирлари** (19.00), 25/IV да **Отасининг қизи** (19.00), 26/IV да **Отасининг қизи** (19.00).

КИНО

24 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ермatов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 17, 20.00, катта зал, 18, 20.45, кичик зал).

Чайка — «МОДЕРНИСТЛАР» (18, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (18.30, 20.45).

25, 26, 27, 28, 29 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ермatов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 11, 14, 17, 20.00, катта зал; 12, 15, 18, 20.45, кичик зал).

Чайка — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (Ўзбек тилида, 11.00); «МОДЕРНИСТЛАР» (13.30, 16, 18, 21.00).

Москва — «ЕЛҒОНЧИЛАР» (13, 15, 19, 20.40).

Восток — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент совет савдоси техникуми томонидан **Ибрагимов Исроил Исмаилович** номига берилган 633250 номерли йўлкорлик

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Акмал Икромов районидаги 236-ўрта мактаб томонидан **Арипова Дильбар Талиповна** номига берилган 616957 номерли йўлкорлик

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари лаборатория бошлиғи Х. С. Лутфуллаевга укаси

Ҳамидулла САЪДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартиясининг Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроғи орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10040.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.